Ислоҳот одимлари

# «АКЦИЯНГИЗНИ МЕНГА СОТИНГ!»

**ёки Оҳангарондаги «Эйвалекмахсустемирбетон» корхонасида мулк ўз эгаларини, эгалари эса ўз мулкини топгани хусусида**

***«Акция» сўзи аллақачон луғатимизга сингиб, «ўзбекча»га айланишга улгурди. Бироқ, ҳамон орамизда нимагадир бу сўзни эшитганида пешонасини тириштирадиганлар топилади. Насиядан кўра нақди яхши, дейдиганлар бор. Нега шундай, десангиз: «Қулоғигача қарзга ботиб ётган корхонанинг акцияси носфурушнинг нос ўрашига зўрға ярайди», ё бўлмаса «Акция деган жонивор қисир қолганми дейман, дивиденд туғай демайди» қабилидаги гапларни эшитасиз.***

Оҳангарондаги «Эйвалекмахсустемирбетон» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари ҳам бошида шундай ўйлашган эди. Иккилана-иккилана ўзларига ажратилган акциялардан беш-ўнтадан сотиб олишди. Оқибатда эркин савдога чиқарилган акцияларни бошқалар илиб кетди. Сўнгги пушаймон — ўзингга душман. Афсусланган билан алами чиқармиди? Қаёқда. Корхона ишчиларининг пичоғи мой кўра бошлаганига анча бўлиб қолди. Ишлаб чиқариш юксалиб, олинаётган фойда салмоғи ҳам тобора ортиб бормоқда. Бугун корхона акцияларини иккиламчи бозордан икки баравар қимматига ҳам сотиб олиш амримаҳол.

Корхона Марказий Осиёда ягона саналади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган темир-бетон шпаллар мамлакатимиз темир йўл коммуникациясини ривожлантиришда сув билан ҳаводай зарур. Айниқса, Буюк ипак йўли йўналишидаги темир изларни замонавий тарзда таъмирлаш ва кенгайтириш ишлари жадал кетаётган бир пайтда унга бўлган талаб жуда ортди.

Темир йўл ёткизишда авваллари ёғочдан фойдаланиларди. Ҳозир ҳам уни Россиядан келтирса бўлади. Ҳар бири ўртача 15-16 долларга тушади. Аммо уларнинг фойдаланиш муддати чегараланган — ўн йил. Оҳангарон шпаллари эса бемалол эллик йил туриб беради. Шу боис бугун корхона маҳсулотининг бозори чаққон.

Тўғри, бозор иқтисодиёти шароитида корхона мавқеини шунинг ўзигина белгиламайди. Гап истеъмолчи талабини қондиришнинг оқилона ва самарали йўлларини топишда. Чунки, бирлашма бундан йигирма беш йил муқаддам қуриб ишга туширилган, цехларга ўрнатилган дастгоҳлар аллақачон эскириб, таъмирталаб бўлиб қолган. Яқинларгача жамоа аъзолари ана шу эскини ямаб, эсдан айрилай дерди. Дастгоҳларнинг эскилиги-ку майли, аммо ишнинг ҳам эскича юритилаётганини ҳазм қилиш қийин бўлаётган эди.

Хуллас, корхона ўтиш даври қийинчиликларига дош беролмай қолганди. Боз устига, жамоадаги носоғлом муҳит, тарафкашлик шундай ҳам ўтириб қолган корхонани ёткизиб қўйди. Ишлаб чиқариш издан чиқди, хом ашё тақчиллиги юзага келиб, маҳсулот тайёрлаш ва сотиш камайиб кетди. Корхона бўйнигача қарзга ботиб, ҳатто электр ҳақини ҳам тўлолмай қолди, идорада қорачироқ ёқиб ишлашга тўғри келган пайтлар ҳам бўлди. Энг ачинарлиси, маошга ёлчимай қолган ишчи-хизматчиларнинг ишдан қўли совиди.

Бу ҳол узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Негаки, темир йўлга шпал, одамларга иш, чўнтакка маош керак. Ҳар қалай, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ва маҳаллий ҳокимлик корхонани боши берк кўчадан олиб чиқиш лозимлигини англаб етди. Кўпчиликнинг маслаҳати билан корхонанинг мулк шакли ўзгартирилиб, у очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Хусусийлаштириш жараёни шу тариқа бошланди. Корхона мулки 168 миллион сўмга баҳоланди. Номинал қиймати 1000 сўм бўлган акцияларнинг 25 фоизига давлат эгалик қиладиган бўлди. Жамоа аъзоларига ҳам шунчаси ажратилди. Қолган акцияларнинг ярми хорижий инвесторларга, ярми эркин савдога чиқарилди.

Аммо нимагадир акциялар ўз эгасини топа олмасди. Юқорида айтганимиздек, жамоа умумий акцияларнинг бор-йўғи тўрт фоизини сотиб олди, холос. Бу орада дурустроқ харидор чиқмай, хорижий инвесторларга ажратилган қимматли қоғозларни сотиш муддати ҳам ўтиб кетди. Эркин савдога чиқарилган акцияларга ҳам ҳеч ким қайрилиб қарамади.

— Ана шундай қалтис, оғир бир вазиятда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти бизга яна ёрдам қўлини чўзди, акцияларнинг 25 фоизини сотиб олди, — дейди корхона маркетинг бўлими бошлиғининг ўринбосари Дилбар Болтабоева. — Эркин савдога чиқарилган 46 фоиз акцияларни эса «Элко Азия» ҳамда «Найтов Нетворкс» фирмалари сотиб олди.

Корхона мулки шу тариқа хусусийлашди, унинг ҳақиқий эгалари пайдо бўлди. Хазинага анча-мунча маблағ келиб тушди. Шунинг ҳисобига хом ашё, эҳтиёт қисмлар сотиб олинди, қарзлар узилди, цехларда яна иш бошланди.

— Биз корхонанинг 22 фоиз акциясига эгалик қиламиз. Уларни 37 миллион сўмга сотиб олганмиз, — дейди акциядорлардан бири — «Найтов Нетворкс» фирмаси раҳбари, ёш тадбиркор Аброр Абдураҳимов. — Тўғри, ҳозир дивидендга ажратилаётган пул айтарли кўп эмас. Аммо ишонаманки, биз ютқазмаймиз. Бир-икки йилдан кейин сарфлаган бир сўмимиз ўн сўм бўлиб қайтади. Чунки корхонанинг келажаги порлоқ.

Акцияларнинг сотилгани, корхона ғазнасига маблағ тушгани ишни бошлаб олиш учун турткi берди. Эндиги вазифа — жамоа аъзоларининг меҳнатга, мулкка муносабатни ўзгартиришда эди. Бу борада кўп нарса раҳбарга, унинг тажрибаси ва тадбиркорлигига боғлиқлиги барчага аён бўлиб қолди. Корхонага янги раҳбар керак. Номзодлар эса кўп. Ниҳоят... корхонада узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган, айни пайтда бош муҳандис лавозимини эгаллаб турган Борис Григорьевич Кан кўпчилик овоз билан ҳиссадорлик жамиятига раҳбар қилиб сайланди.

Ўтган қисқа давр акциядорлар жамоа етакчисини танлаб адашмаганини кўрсатмоқда. Бугун мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш ҳисобига маҳсулдорлик ортди. Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида бу ерда салкам 400 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Темир-бетон ишлаб чиқариш ҳажми бир ярим баробар, темир-бетон қувур ишлаб чиқариш тўрт баробарга ўсди. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси эҳтиёжи учун бир кунда жўнатилаётган шпаллар 1400-1500 донага етди. Яқиндан бошлаб шпал цехи уч сменада ишлай бошлади. Бу билан маҳсулот тайёрлаш ҳажми янада кўпайди ва яна юзта қўшимча ишчи ўрни пайдо бўлди.

Корхона раҳбари Б. Каннинг эътироф этишича, ҳали муаммолар бор. Аммо бу муаммоларни ҳал этиш имкониятлари ҳам бор. Муҳими, ишчи-хизматчиларнинг меҳнати қадрланмоқда — корхона ишни янгича ташкил этиш орқасидан шу йилнинг олти ойида 19 миллион сўм фойда олди.

Акциядор ва раҳбарнинг ишонч билан гапириши бесабаб эмас. Эйвалекчилар яқинда Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) ўтказган тендер савдосида ютиб чиқди. ОТБ ажратаётган 10,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармояни олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Энди у икки ярим йил давомида Буюк ипак йўли таркибидаги «Самарқанд — Тошкент» темир йўл реконструкцияси учун 690 минг дона шпал етказиб беради. Бу ҳазилакам ютуқ эмас, валюта ҳисобига Украинадан янги технологик линиялар олиб келиш, корхонани аста-секин модернизациялаш, ишлаб чиқаришни замонавий усулда қайта жиҳозлаш имконияти нақд бўлиб қолди.

Бир сўз билан айтганда, бугун корхона акциядорларининг кўнгли тўқ. Ҳозир бу ерда мингга яқин одам доимий ишлаб чиқариш билан банд. Эйвалек қўрғонига ҳам анча файз кириб қолган. Қисқаси, мулк ўз эгасини, эгаси ўз мулкини топган.

***Неъмат ДУШАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

## МАЪДАН ТАРКИБИДА ЯНГИ МАҲСУЛОТ

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати Қалмоққир кони маъданлари таркибидан ажратиб олаётган нодир металлар сони яна биттага ортди. Металлурглар яқинда бу ерда россиялик мутахассислар билан ҳамкорликда риний ва осмий олиш технологиясини ўзлаштирди.

Қалмоққир дунёдаги энг йирик мис-молибден конларидан бири саналади. Бу ерда ҳар йили 25-30 миллион тонна руда қазилиб, унинг таркибидан 13 хилдаги нодир металл ажратиб олинаётган эди. Янги технология мис-молибденни экологик жиҳатдан ўта хавфли бўлган заҳарли аралашмалар ёрдамида қайта ишлаш жараёнига барҳам берди. Шунингдек, илгари ҳавога чиқариб юборилаётган, жаҳон бозорида эса жуда қиммат турадиган риний ва осмийни ҳам тутиб қолиш имконияти яратилди. Айни кунларда мазкур янгилик жадал жорий этилмоқда.

Янги маҳсулотни Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати қошида исроиллик ҳамкорлар иштирокида ташкил этилган қўшма корхона ишлаб чиқаради.

## Маҳмуд Мирзаевич МИРЗАЕВ



Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фани оғир жудоликка учради. Бешафқат ўлим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясинининг раиси, академик Маҳмуд Мирзаевич Мирзаевни 79 ёшида орамиздан олиб кетди.

Маҳмуд Мирзаев 1921 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Тошкент Қишлоқ хўжалик институтини тугатгач, кўп йиллар мобайнида қатор давлат ташкилотлари ва илмий муассасаларга раҳбарлик қилди. 1949 йилдан умрининг охирига қадар Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясини бошқариб келди.

Маҳмуд Мирзаев ўзининг бутун куч-ғайрати, билими ва бой амалий тажрибасини мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик фанини ривожлантиришга бағишлади. Айниқса, юртимизда боғдорчилик, узумчилик соҳаларини юксалтиришда, бу борадаги назарий билимларни ҳаётга татбиқ этиш ва амалиёт билан узвий боғлашда атоқли олимнинг хизматлари беқиёсдир. Юртимизда янги-янги боғроғлар ва токзорларни барпо этиш, истиқболли мева навларини яратиш, ҳосилдорликни ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича олиб борган кенг кўламли тадқиқотлари ва эришган катта амалий ютуқлари туфайли Маҳмуд Мирзаевнинг номи нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам обрў-эътибор қозонди.

Профессор Маҳмуд Мирзаев тўрт юздан ортиқ илмий иш муаллифидир. У ўз фаолияти давомида Ўзбекистон иқлимига мос ўндан зиёд тезпишар, серҳосил янги навлар яратди.

Жонкуяр устоз Маҳмуд Мирзаев минтақа учун етук мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялаш ишига бош-қош бўлди. Кўплаб иқтидорли ёшлар бевосита унинг раҳбарлигида қимматли илмий тадқиқотлар олиб бордилар.

Маҳмуд Мирзаев ўзининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги, юртпарварлиги билан халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган олижаноб инсон эди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини, илм-фанини ривожлантириш йўлидаги ҳурматлари учун олим «Меҳнат Қаҳрамони» унвони, «Эл-юрт ҳурмати» ордени ҳамда Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Заҳматкаш олим, моҳир ташкилотчи раҳбар, илм-фанимизнинг чинакам фидойиси Маҳмуд Мирзаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, И. ЖЎРАБЕКОВ, Т. АЛИМОВ, Т. ХОЛТОЕВ, У. МИРЗАҚУЛОВ, М. ИСМАТОВ, М. РЎЗМАТОВ.**

* * *

***4 август куни Президент Ислом Каримов халқ ҳурматига сазовор бўлган улкан олим, боғдорчилик илмининг алломаси, академик Маҳмуд Мирзаевнинг хонадонида бўлиб, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этди.***

***(ЎзА).***



*Қибрай туманида мустақиллик йилларида қатор қўшма корхоналар фойдаланишга топширилди. «БОВ КО ЛТД» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси уларнинг биридир. Унинг жамоаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини солишга мўлжалланган турли сиғимдаги полипропилен қоплар ишлаб чиқармоқда. Ушбу суратда корхонанинг катта оператори Мурод Одиловнинг дастгоҳни созлаётган пайтда кўриб турибсиз.*

***Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.***

## ЭКОФЕСТИВАЛЬ ТАРОНАСИ

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси ва инсон саломатлиги ҳимояси бўйича қилинган ишларнинг ҳисоботи сифатида «Экосан» халқаро жамғармаси 18 август куни ўзига хос тадбир – экофестиваль ўтказади. Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган йиғилишда жамғарма раҳбарияти журналистларга шу ҳақда ахборот берди.

Экофестиваль пойтахтдаги Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Миллий банк стадионида ҳар хил мамлакатларда яшовчи турли халқлар урф-одатларини намойиш этиш билан бошланади. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган элчихоналар тадбир иштирокчиларини ўз мамлакатлари маданияти ва санъати билан таништирадилар. Турли ташкилотлар ва корхоналар чиқиндисиз технологияларни – экологик жиҳатдан тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини тақдим этадилар. Анжуман ниҳоясида Ўзбекистон санъат усталари, эстрада юлдузларининг катта концерти намойиш этилади.

Шу куни республикамизнинг барча ҳудудлари бўйлаб экофестиваль таронаси янграйди. Тадбирдан тушган маблағ шаҳар ва қишлоқлардаги санитария гигиеник ҳолатни яхшилашга, истиқлол байрами олдидан жойларда ободонлаштириш ишларини олиб боришга сарфланади.

***Убайдулла ХИКМАТОВ.***

## БИРЛАШМАНИНГ ЯНГИ ТАРМОҒИ

**«Ўзбекистон металлургия комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳар йили кадрлар тайёрлаш ва ишчи-хизматчиларнинг малакасини ошириш учун 20 миллион сўм маблағ сарфланади**

***«Ўзбекистон металлургия комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмаси кўп тармоқли корхона ҳисобланади. Унда минглаб ишчи-хизматчиларни бирлаштирган байналмилал жамоа меҳнат қиляпти. Металлурглар ҳам вақти келиб кексаядилар, пенсияга чиқадилар, ҳар хил сабаблар туфайли ишдан бўшаб кетишлари мумкин. Бу табиий бир ҳол***

Лекин, бундай жараён корхона раҳбарияти олдига айрим муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Уларнинг энг муҳими кадрлар масаласидир. Корхона жамоаси сафидан кетган, айниқса, етакчи касб эгаларининг ўрнини босадиган, уларнинг мураккаб ишларини бемалол уддалай оладиган кадрлар доим етарли бўлиши керак.

Маълумки, комбинат ишлаб чиқариши узлуксиз давом этади, унда узилишлар содир бўлмаслиги лозим. Барча жараёнлар эртаю кеч бир маромда давом этиши керак. Акси бўлса катта моддий зарар кўриш мумкин. Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун биринчи навбатда ҳамма, айниқса, етакчи касб эгалари ўрнида ишлай оладиган муҳандислар, техниклар, ишчиларни етарлича тайёрлаб туриш талаб этилади. Корхона маъмурияти бу масалани доим диққат-эътибор марказида сақламоқда. Шунинг учун ҳам барча металлурглик касблари бўйича кадрлар тайёрлашга ҳар йили кўплаб маблағ ажратилмоқда. Уларга таълим беришнинг янги-янги шаклларидан фойдаланилмоқда. Бу йўлда олий, ўрта махсус ўқув юртлари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Тошкент техника университети етук металлурглар тайёрлашда комбинатга яқиндан ёрдам бермоқда. Корхона раҳбарлигининг ташаббуси билан олийгоҳда металлургия факультети барпо этилди. Унда иқтисодиётнинг бу етакчи тармоғи учун олий маълумотли муҳандислар тайёрланаяпти. Факультетда таълим олган дастлабки қалдирғоч муҳандислар металлурглар сафига қўшилдилар. Улар ишлаб чиқаришнинг кўпгина бўлинмаларида ишлаб, жамоа меҳнати баракали бўлишига ўз улушларини қўшмоқдалар. Умуман, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битирган 190 нафар муҳандис-техниклар қабул қилинди. Корхона ҳузурида ташкил этилган курсларда ҳам ёшларга, банд бўлмаган фуқароларга турли касбларни ўргатиш юзасидан ўқувлар ташкил этилган. Уларда йил бошидан бери 120 нафар киши прокатчи, пўлат қуювчи, кран машинисти, пульт операторлиги каби касбларни эгаллади.

Тажриба

Жамоа орасида қўшимча ва иккинчи касбларни ўрганиш истагини билдирганлар ҳам кўпаймоқда. Бундай металлургларга доим иш топилади, бекор қолмайдилар. Уларни ўқитиш учун ташкил этилган махсус курслар мунтазам ишлаб турипти. Қисқа муддат ичида уларда 180 нафар металлург янги ҳунарларни ўзлаштирдилар.

Ўрта бўғин ишлаб чиқариш раҳбарлари – усталар ҳам корхонада ишлаб турган курсларда тайёрланмоқда. Бунинг учун комбинатнинг шундай мутахассисларга эҳтиёжи олдиндан ўрганилади ва ҳисобга олинади. Йил бошидан бери 44 нафар ишчи-хизматчилар ўқиб, усталик қилиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Ҳозирги кунда уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришнинг турли бўлинмаларида смена жамоаларига бошчилик қилмоқдалар.

Қисқаси, бирлашмада ташкил этилган бундай курслар самараси яхши бўлмоқда. Назарий билим билан амалиётнинг бирга қўшиб олиб борилиши касбларни пухта эгаллаш, тезда ишга киришиб кетиш имконини бермоқда.

Комбинат маъмурияти кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларига маблағни аямаяпти. Бу йўлда 20 миллион сўм атрофида пул сарфланди. Харажат катта бўлишига қарамай, ўзини оқлаб, ишлаб чиқаришнинг бир маромда бориши учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

***Собир ҲАМИДОВ.***

## КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Чиноздик нонвойлар ҳамда чакана савдо ташкилотлари энди четдан ун ташиб, овора бўлишмайди. «Чиноздон» ҳиссадорлик жамияти қошида ишга туширилган мўъжаз донни қайта ишлаш корхонаси ҳозирданоқ туман аҳолисининг ун маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондирмоқда. Айни пайтда бу ерда Швейцария технологияси асосида кунига 54 тонна тоза ун ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти бу йилги мавсумда туман хўжаликларидан шартнома асосида 15,8 минг тонна ўрнига 18 минг тонна дон қабул қилиб олди. Айни пайтда маҳсулотни тозалаш, қуритиш ва қайта ишлаш жадал олиб борилмоқда. Янги ҳосилдан 250 тонна уруғлик тайёрлаш режалаштирилган.

***ЎзА.***

## ЎЗИ ЯХШИ, ЙЎЛИ ЧАТОҚ...

***Буюк ипак йўли бекатидан Улуғбек қўрғонига борувчи 101-автобусда кетаяпмиз. Биздан олдинроқда ўтирган отахон йўловчи йигитдан «Ботаника» санаторийсига бориш учун қайси бекатда тушиш керак, деб сўради. Ҳалиги йигит жавоб бериб улгурмасдан, ёнимда ўтирган киши «бечоралар-эй» деб қўйди.***

Мен хайрон бўлиб, дам оладиган бечора бўларканми ёки санаторий шунчалик харобми, деб савол аралаш гап қотдим.

– Санаторий-ку ёмон эмас, – деди ҳамроҳим. – Чолу-кампир экан. Автобус охирида тушгач жамадон-юкларни кўтариб, икки чақирим яёв юриш керак. Иссиқ кунда ўзи бўладими?! Маҳаллама-маҳалла бодроқ сотиб, хуржун кўтариб юрган бошқа, санаторийда дам оламан деб, оғир сафар жабдуғини ортмоқлаб, кўча суриштириб, сарсон бўлган бошқа-да.

Шу кунги хизмат сафарим ҳам ёзда дам олишни ташкил этиш масаласини ўрганиш эди. Мавзу оёқ остидан чиқди. Ҳақиқатдан ҳам автобусдан тушиб, сал кам бир чақирим катта йўлдан юрдик, сўнг ўнгга, яна ўнгга, тўғрига, кўприк, турар жойлардан ўтиб, сўнг чапга... Ниҳоят манзилга етиб келдик.

Санаторийга кираверишда жуда чиройли қилиб янги арк қурилибди. Чор атроф қуюқ дарахтлар-у анвойи гуллар. Аммо, йўл азобидан кейин бу гўзалликлар ҳам татимас экан. Санаторийга йўлланма ўзи бир неча йилда бир марта тегади. У ҳам ҳозир фалон пул. Бир чангал олтинни қўлга киритгандай, йўлланмани қўлга олиб, ҳордиқ илинжида ширин хаёллар билан йўлга чиққанингизда, бу сарсонлик дилингизни хуфтон қилиши, табиий.

Луқма

– Транспорт масаласи ҳақиқатдан ҳам оғир бўлаяпти, – дейди «Ботаника» сиҳатгоҳи бош шифокори Насриддин Муродов. – Бу масалада дам олувчиларга қулайлик яратиб бера олмаётганимиздан уялиб қоляпмиз. Истиқлол шарофати билан қанчадан-қанча ишларни амалга оширдик, 2-3-4 кишилик 7 бино қайта таъмирланиб, жаҳон мезонларига яқин қилиб фойдаланишга топширилди. Бундай ижобий ўзгаришлар оз эмас. Лекин, йўл муаммоси сира ҳал бўлмаяпти. Манави даста-даста ҳужжатларни кўраяпсизми? Бормаган идорамиз, кирмаган ташкилотимиз, мурожаат қилмаган ташкилотимиз қолмади. Ёзилган илтимосномаларнинг сон саноғи йўқ. Тўғри, шу ёзишмалардан сўнг ўтган йили бир микроавтобус санаторийгача юрди, кейин яна тўхтатиб қўйилди. Илгарилари ҳам «Ботаника» сиҳатгоҳига автобуслар қатнаган. Чунончи, 1985 йилдан 1992 йилгача «ТТЗ-Ботаника» йўналиши бор эди. Дориломон кунлар келиб, фуқароларимиз учун кўплаб қулайликлар яратила бошланган бир пайтда дам олишга келаётганларнинг бу ерга яёв келиши ўзимизга ҳам эриш туюлади...

«Ботаника» сиҳатгоҳи жойлашган ҳудудда Тошкент Пахтачилик институти, Ўзбекистон ўсимликшунослик институти, Тошкент ўрмон хўжалиги-мелиоратив техникуми ҳам бор. Яна 10 мингдан кўп аҳоли яшайди. Аҳоли транспортга чиқиш учун сал кам икки чақирим яёв юради. Ҳозирги иссиқ кунларда бунинг машаққатини тассаввур қилинг. «Ботаника» санаторийси маъмурияти «Ўзавтосаноаттранс» автотранспорт бирлашмаси, Қибрай тумани ҳокимига, Тошкент вилояти йўловчи ташиш транспорти концернига ва бошқа шу каби юқори ташкилотларга бу ҳақда мурожаат этди. Лекин муаммо ҳамон ҳал этилганича йўқ. Айтинг-айтинг ҳал бўлсин-да.

***Будур ПЎЛАТОВ.***

# МЎЙҚАЛАМДА ЯРАЛГАН ДУНЁ

*Кўргазмалар*

***Мамлакатимизда уста портретчилар кўп, улар самарали ижод қилиб, элга манзур асарларини кўргазмаларга қўйиб, тез-тез намойиш қилиб турадилар. Ана шундай истеъдодли мусаввирлардан бири Собир Раҳметов яратган асарлар 70-йилларнинг охирларидан буён хорижий мамлакатларда ва юртимизда нуфузли кўргазмаларда намойиш этиб келинади. Рассом мўйқалами остида нафақат портретлар, балки воқеабанд композициялар, манзара, натюрмортлар ҳам ўзининг мукаммал сайқалини топади.***

Яқинда Республика байналмилал маданият марказида очилган мусаввир асарларининг кўргазмасини томоша қилсангиз, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қиласиз. Собир Раҳметов ўз композицияларида кенг ва чуқур мушоҳадали, инсонни фикрлашга ундовчи қизиқарли мавзуларга мурожаат этади. Уларни гоҳ реалистик тамойилдаги тасвирларда, гоҳ рамзий-мажозий бадиий воситаларда, авангард санъати йўналишидаги мазмунли шаклларда акс эттиради. Мусаввир ҳар бир ижод намунасига алоҳида меҳр, муҳаббат билан, шошмасдан узоқ муддат мобайнида пухта сайқал бергани тасвирларнинг аниқ-тиниқ тарҳлари, сержило кўп маъноли ранглари мажмуидан сезилиб туради.

Муйқалам соҳибининг «Синов йиллари» учлиги, «Ғира-шира оқшом», «Ҳаёт ва ўлим», «Бойсунликлар» номли композициялари ҳамда гўзал юртимизнинг жаннатмакон табиатини акс эттирувчи манзаралари мусаввир маҳоратининг юксак даражасини намоён этувчи рангтасвирлардандир. Асарларни кузатар экансиз, муаллифнинг севган жанри портрет эканлигини билиб оласиз. Чунки Собир Раҳметов ўзи яратаётган сиймо тасвирини фақат ташқи кўринишини эмас, балки ички моҳиятини, руҳий оламини ҳам акс эттириб, нурлантиришга интилади. Асарлардаги бундай ижобий, жозибали сифатни унинг «Азамат Ҳотамов портрети», «Академик Юнус Ражабий», «Ғафур Ғулом портрети», «Умида», «Сурхондарёлик бобо» портретларида кузатишимиз мумкин.

Собир Раҳметов илгари ҳам тасвирий санъат ихлосмандларини бир неча марта ўз шахсий кўргазмаларидан баҳраманд этган эди. Бу сафарги янги асарлар намойиши унинг портрет жанридаги муваффақиятларини, сўнгги йиллардаги эришган ижодий ютуқларини яна бир карра намоён қилиш имконини берди.

**Баҳром ТОЖИЕВ.**



## «ЭНГ НАМУНАЛИ ҚАЙНОНА»

Туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Қибрай қишлоқларида «Соғлом авлод» йилига бағишланган «Намунали қайнона» кўрик-танлови ўтказилмоқда. Шундай тадбир Қибрай шаҳарчасининг маданият саройида ҳам бўлиб ўтди. Унда беш нафар қайнона иштирок этди. Улар ичида энг кўп балл тўплаган Рихси Тўлабоева намунали қайнона номига мушарраф бўлди.

Ғолибани туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Бибихон Шералиева табриклаб, эсдалик совғаларини топширди.

**Қамолиддин АСҚАРОВ.**

*Манзура опа Мингбоева бутун умри, билими, тажрибасини инсонларга зиё тарқатишдек хайрли ишларга бахш этиб келаётган кутубхоначилардан бири ҳисобланади. У бошчилик қилаётган Оҳангарон тумани Чинор маҳалласида жойлашган кутубхонада 10 мингдан зиёд хилма хил мавзудаги китоблар мавжуд. Манзура опа айниқса, мактаб ўқувчиларининг меҳрибон мураббийси, яқин кўмакдоши сифатида ҳам танилгандир. Кутубхонада бугунги кунда 2829та болаларбоп нашрлар бор. Кутубхона ҳамиша болалар билан гавжумдир.*

***Суратда:* кутубхона мудири М. Мингбоева ўқувчилар даврасида.**

**Дилшод АҲМЕДОВ олган сурат.**




# ВИЛОЯТ БЕДАРВОЗА ДЕБ ЎЙЛАМАНГ

***Тинчлик сўзи замирида оламжаҳон маъно мужассам. Зеро, мусаффо осмонимиз узра эсаётган мустақиллик шабодаларидан баҳра олиб эртанги кунга комил ишонч билан қадам қўяётган келажак авлоднинг нурли истиқболи ҳам, бугунги тинч-фаровон ҳаётимиз нашидасини сураётган заҳматкаш халқимизнинг орзулари амалга ошиши ҳам она диёримизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталикдан далолатдир. Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистонимизни, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, турли тажовузкор кучлардан ҳимоя қилиш шу замин тупроғида яшаётган ҳар бир инсоннинг бурчидир.***

Вилоят ИИБ томонидан Бўстонлиқ, Тошкент, Зангиота, Қибрай, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманларида ҳамда Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида ўтказилаётган кенг қамровли «Тозалаш» тадбирининг мақсад ва вазифалари аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жойларда жамоат тартибини сақлашга қаратилган.

«Тозалаш» тезкор тадбирига вилоят ички ишлар идоралари ходимлари жалб этилган бўлиб, маҳалла посбонлари билан биргаликда чегара масканлари ва блок-постлар хизмати кучайтирилган тарзда олиб борилаётганлиги вилоят ҳудудида тезкор вазиятнинг барқарорлаштирилишига, содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятлар сонининг камайишига олиб келмоқда. Шунингдек, очилмай қолган жиноятлар сони тадбир бошлангандан буён камайишига эришилмоқда.

...Тошкентлик Шоилҳом ўзининг «Тико» автоуловида Отчопар бозоридан учта номаълум шахсларни тунги соат бирларда Тошкент туманидаги Абдураҳмонов жамоа хўжалигига олиб бориб қўйган. Манзилга етгач, ушбу шахслар ҳайдовчини бўғиб, уриб, уни автоуловдан тушириб, автомашинани ҳайдаб кетишган. «Тозалаш» тадбири ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу жиноятни Тошкент туманида яшовчи К. Эркин ва А. Зокирлар содир этганлиги аниқланди, автоулов эса эгасига қайтарилди. Жиноятчиларга нисбатан тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Янгийўл туманида тунги соат учларда тошкентлик Г. Нодир ва Тошкент туманида яшовчи Т. Дилбарлар ўзаро тил бириктириб, Янгийўл тумани «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Тўймажон Маматуллаеванинг бир бош отини ўғирлаб келаётганларида зийрак ходимлар томонидан ушланиб, қилмишлари фош этилди.

Шунингдек, гиёҳвандлик моддаларини ғайриқонуний айланишининг олдини олиш, турли хил йўллар билан ташиш, героин, опий каби оғуларни сотиш, республикамиз ҳудудидан олиб ўтиш билан боғлиқ бир қанча жиноятлар фош этилди. Жиноятчилардан тадбир бошлангандан буён 620 килограммдан ортиқ гиёҳванд моддалар тортиб олинди.

Қибрай туманида ҳеч қаерда ишламайдиган Н. Бахтиёрнинг уйи текширилганда 3,2 гр. «героин» гиёҳванд моддаси борлиги аниқланди. Тадбир давомида фуқаролар яшайдиган хонадонлар, дала ҳовлилар текширилиб, паспорт қоидаларига амал қилмаётган 893та ҳуқуқбузар аниқланди ва бу шахсларга нисбатан маъмурий чора кўрилди. Шу билан бирга вилоят ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларнинг ертўла ва чордоқлари текширувдан ўтказилиб, темир панжара ва эшиклар ўрнатиш чоралари кўрилаётганлиги келгусида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши табиий. Бошқа вилоятлардан келиб мардикорчилик билан шуғулланиб юрган шахслар аниқланиб, ўз яшаш жойларига қайтариб юборилди.

### «Тозалаш» тадбири давом этади

Ички ишлар идоралари ҳисобида турган хавфли рецидивистлар, маъмурий назоратда турганлар ва муқаддам судланганларнинг турмуш тарзи, яшаш ва иш жойлари мунтазам равишда текшириб борилаётир. Олиб борилаётган тадбирлар давомида 3511та маъмурий баённомалар тузилди. Ов қуролларини сақлаш қоидаларини бузганлиги учун 114та фуқаролардан қуроллар олиб қўйилди.

Зангиота туманида миллий хавфсизлик ходимлари билан биргаликда ўтказилган тадбирда эса ҳеч қаерда ишламайдиган У. Мелибойнинг уйи текширилганда шкаф ичидан 1-дона «РГД-2» русумли жанговар граната тортиб олинди.

Вилоят чегара ҳудудларида ўтказилган тадбирлар давомида Республикадан товар-моддий бойликларни ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳоллари аниқланиб, товар-моддий бойликлар сақлаб қолинди.

Янгийўл туманидаги «Навоий» чегара масканида Х. Шовкатнинг шахсий автоулови тўхтатилиб, текширилганда, автоулов ичидан 115 кг. алюмин, 112 кг. мис ва латун рангли металлари борлиги, улар Қозоғистон Республикасига олиб чиқиб кетилаётганлиги аниқланди.

Дарҳақиқат, ойни этак билан ёпиб бўлмагани сингари қинғир ишга қўл урганларнинг қилмишлари фош этилаверади. Аҳолининг хавфсизлигини ўйлаб ўтказилаётган «Тозалаш» тадбирлари эса давом этади.

**Мақсуда СУЛТОНОВА,**
**Тошкент вилоят ИИБ инспектори.**

# КЕЛИНГ, ОЧИҚЧАСИГА ГАПЛАШАЙЛИК...

*Шифокор мулоҳазалари*

***2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан мамлакатимизда мисли кўрилмаган катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тиббиёт соҳасидаги тадбирлар кўлами кенг. Халқимизни соғломлаштириш, фарзандларимиз бенуқсон туғилиши учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Келажак авлодни саломат ўсмоғини таъминлаш вазифаси соғлиқни сақлаш ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.***

Вилоятимизда «Соғлом авлод йили» дастури тузилган. Ундаги режаларни амалга ошириш учун нафақат тиббиёт ходимлари балки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, олий ва ўрта махсус билим юртлари, маҳаллалар, ишлаб чиқариш корхоналари жамоалари, кенг жамоатчилик фаол қатнашмоғи зарур.

Кейинги пайтларда айрим кимсаларнинг мўмай даромад топиш мақсадида четдан гиёҳванд моддалар олиб келиб тарқатаётганликлари гувоҳи бўлаяпмиз. Бу жиноий фаолият оқибатини биз шифокорлар ўзимиз ишлаётган вилоят наркологик диспансерида ҳар куни кўриб турибмиз. Гиёҳвандликдан даволаниш учун бу ерга мурожаат қилаётганларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Беморларнинг аксарияти 16-35 ёшларда бўлиб, кўпчилиги ҳеч қаерда ишламайди, оиласидан ажралган ёки бутунлай оила қурмаган. Янада аянчлироғи, улар орасида вояга етмаган болаларнинг учраши, токсикоманлар (бензин, керосин ва ҳоказоларни ҳидловчилар) кўплигидир. Беморлар орасида биз одатда энг мўътабар инсон деб ҳисоблайдиган, фарзандларни дунёга келтирувчи, борлиғидан кечиб болалари учун жон бергувчи зот деб биладиган аёллар ҳам борлигидан вужудимиз ларзага келади. Нафс балосининг қулига айланган ва виждонсиз кимсаларнинг таъсирига тушиб қолган бу аёллар саломатлигига путур етмоқда, шаъни булғанмоқда, оилаларидан ажралмоқда.

Юртбошимиз ўз маърузаларида гиёҳванд моддалар ва гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш лозимлиги ҳақида қайта-қайта таъкидлаётганликлари бежиз эмас. Қолаверса, ҳадиси шарифда ҳам «Гиёҳванднинг бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам қорадир» дейилган.

Гиёҳванд кимсанинг юзига ҳеч тикилиб қараганмисиз? Уларнинг турқи фариштасиз, иркит бўлади, ёшига нисбатан икки уч баравар катта кўринади. Бепарво ва лоқайдлиги билан ажралиб туради, сочлари тўзиган, кўзлари қизарган, хомуш юради. Дунёни сел олса ҳам уларнинг тўпиғига чиқмайди. Ниятлари фақат битта: қаердан ва қандай бўлмасин гиёҳванд модда топиб, уни истеъмол қилиш. Бундайлар ўз нафсини қондирмоқ учун ҳар қандай разилликдан тоймайди. Дўппи тор келганда, ўзининг энг яқин одами ҳаётига зомин бўлса ҳам, мақсадга эришиш илинжида бўлади. Бундайлар ўз ота-онаси, оиласи, Ватанини биладими?

Ана шундай одамларни даволаш мумкинми? Ҳа, мумкин. Бунинг учун беморнинг ўзида хоҳиш ва кучли ирода бўлиши, сабр-тоқатли ва шафқатли шифокор-у етарли даражада дори-дармонлар таъминоти зарур.

Муолажадаги яна бир асосий омил фойдали меҳнатдир. Энг асосийси эса, даволанувчилар уни гиёҳ билан таъминловчилар, гиёҳванд улфатлардан йироқроқ бўлиши керак.

Тиббий тажрибадан яхши маълумки, ҳар қандай дардни даволашдан кўра унинг олдини олиш осонроқ ва самаралироқдир. Юртимизда шу боисдан ҳам гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида турли-туман кенг қамровли тадбирлар мунтазам ўтказиб турилади. Матбуотда қатор-қатор мақолалар чиқаяпти, телевидение ва радио орқали марафонлар ўтказилмоқда, таниқли хонандалар ҳайрия концертлари ўтказиб, улардан тушган маблағлар мазкур иллатнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун сарфланмоқда. Ўта долзарб ҳисобланмиш бу масалага лоқайдлик билан қараганларга эса, яна бир нарсани эслатиб ўтиш ўринли: вилоятимиздаги айрим шаҳарларда рўйхатга олинаётган ўта хавфли, бедаво, ўлимга маҳкум этувчи ОИТС хасталигига учраган беморларнинг 80 фоизи айнан шу гиёҳвандлар тоифасидандир.

Яна бир гап. Фараз қилингки, оила аъзоларингиздан бири шу дардга йўлиқди. Бунинг оқибатида нималар содир бўлишини тасаввур қилишингиз ҳам қийин. Аввало, оилангиздаги муносабатларга ёлғон аралашади, самимийлик, ҳурмат ва меҳр йўқолади, тинчлигингиз бузилади, бисотингиздаги нарсалар – қимматбаҳо нарсалар ўғриланаётганини пайқайсиз, натижада юзага келувчи катта-кичик жанжаллар охир-оқибатда қотиллик ёки ўлим билан тугайди.

Айниқса, ноқобил фарзанди шу йўлга кириб қолган онаизорларга ачинаман. Ҳузуримга гиёҳванд фарзандини олиб келган бир муштипар аёл илтимосини ҳеч унута олмайман: «Докторжон, ёлвораман, – деб нола қилганди у, – ҳеч кимга шикоят қилмайман ва бу ҳақда бировга оғиз очмайман, фақат битта укол қилиб шу боламни ўлдириб берсангиз бас. Бошқа чидай олмайман, пичоқ бориб суякка қадалди». Қурт-қумурсқалардан тортиб паррандаю даррандаларгача бўлган барча мавжудотлар ўз зурриёдини асраб қолиш учун жон фидо қилгани ҳолда инсон зотидан бўлмиш онаизор ўз жигарбандига ўлим тилаши учун, унинг бошидан қандай савдолар ўтганини тасаввур этмоқнинг ўзи оғир.

Балолар манбаи бўлмиш оғуларни ўстирувчилар, уларни ташувчилар, сотувчилар ва истеъмол қилувчилар бу ишнинг интиҳоси аянчли бўлишини била туриб, ўзларини тия олмаётганликларини кўриб, афсусланасиз. Бу дунёда ҳеч бир иллат жазосиз қолмайди, албатта. Қилмиш-қидирмиш деган нақл ҳам бор-ку халқимизда.

Юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш учун ҳар биримиз бундай жирканч иллатлардан ҳоли бўлиб, ҳалол меҳнат билан, ижодкорлик ишлари билан машғул бўлмоғимиз лозим. Юртимизга соғлом авлод керак. Халқимиз ва унинг келажаги саломатлигини таъминламоқ учун юқорида айтилган офатга қарши барчамиз баробар, тиним билмай курашишимиз зарур.

**Ворис ОРИФХОНОВ,**
**вилоят наркология диспансери бош шифокори.**

## МУЗҚАЙМОҚ ТАРИХИДАН

Нақл қилишларича, Ҳиндистон ва Эронни босиб олишида Искандар Зулқарнайнга музқаймоқ ёрдам берган экан. Гап шундаки, бу лашкарбоши иссиқ кунларда ўзини ёмон ҳис қилар ва узоқ сафари мобайнида бир неча бор қўшинларни қайтариб олиб кетмоқчи бўларкан. Бироқ унинг феълини яхши билган ҳарбий бошлиқлар ўнлаб чақирим узоқдаги тоғ чўққиларидан қор ва муз келтириш учун қулларни юборишарди. Искандар ичига қор, муз солинган шарбат ичар, бу эса унинг кайфиятини яхшиларди.





Бизгача етиб келган маълумотларга қараганда, юнонлар ва римликлар музли ичимликларни тайёрлашнинг анчагина усулларини билишган. Бундай ичимликлар Рим императори Нерон учун ҳам ҳозирланарди.

Кейинчалик буларнинг бари унутилиб кетди ва фақат XII асрда машҳур сайёҳ Марко Поло Хитойдан Италияга музқаймоқ тайёрлаш усули ҳақидаги маълумотни олиб келди. У фақат совутилибгина қолмай, балки музлатиларди ҳам.



Янгилик аста-секин Европадаги бошқа мамлакатларда ҳам қўлланила бошланди. Масалан, Францияда музқаймоқ XVII асрда маълум бўлган. 1660 йили Парижда музқаймоқ дўкони очилди. Орадан 16 йил ўтгач, уларнинг сони 250тага етди. Ўша дастлабки музқаймоқ дўкони ўрнида қад ростлаган қаҳвахонада ҳанузгача музқаймоқ сотилади.

**А. АЛИЕВ тайёрлади.**

# ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧРАШУВЛАР БОШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси тўққизинчи миллий чемпионати олий табақасида иштирок этаётган жамоалар куни кеча иккинчи давра ўйинларини бошлаб юбордилар**

Маълумки, биринчи даврадан сўнг жамоалар ўқув-машғулот машқларини давом эттирдилар. Вилоятимиз вакили – мамлакат чемпиони «Дўстлик» жамоаси эса хабар берганимиздек машғулотларни Германияда ўтказиб, тижорат турнирида қатнашди ва турнир ғолиби бўлиб қайтди.

Шундай қилиб вилоятимизнинг тўрт жамоасининг бири Ангреннинг «Семурғ» футбочилари иккинчи давранинг илк учрашувини ўз майдонида «Қизилқум» жамоасини қабул қилишдан бошлади. Ўйингоҳга йиғилган 10000 томошабин қўллаб турсаларда мезбонлар яхши ўйин кўрсата олмадилар. Натижада биринчи бўлимнинг ўзидаёқ меҳмонлар ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Биринчи бўлим 0:1 ҳисобида якунланди. Иккинчи бўлимнинг дастлабки дақиқалариданоқ майдон эгалари ҳужумга зўр бердилар, лекин омад улардан юз ўгирди. 69-дақиқада ҳакам майдон эгаларининг моҳир ҳужумчиси Элдор Қосимовни қоидани бузган деб ҳисоблаб ўйиндан четлатди. Шунга қарамасдан «Семурғ» ҳимояда ўтиб олмасдан қарши ҳужумларни давом эттирди.

Натижада учрашувнинг сўнгги дақиқаларида майдон эгалари жавоб тўпини киритиб ҳисобни тенглаштирдилар. «Семурғ» 1 очкони қўлга киритиб ўз очколари сонини 32тага етказиб олди ва жадвалда 7-ўринга кўтарилди.

Вилоятимизнинг иккинчи вакили «Металлург» ҳам бу учрашувни ўз майдонида ўтказди. Улар чемпионатда муваффақиятли иштирок этаётган «Насаф» жамоаси билан тенгма-тенг ўйнадилар. Бу учрашувда дарвозалар дахлсиз қолди (0:0). Металлург ҳисобидаги очколар сони 24тага етди. У жадвалда 12-ўринни банд этиб турибди. Вилоятимизнинг яна икки вакили «Дўстлик» ва «Кимёгар» кеча ўз майдонларида «Самарқанд» ва «Зарафшон» жамоаларини қабул қилдилар. Бу ҳар икки учрашув ҳам жамоаларимиз учун катта аҳамиятга эга. Агарда «Дўстлик» ғалаба қозонса асосий рақибидан етти очкога илгарилаб кетади. «Кимёгар» ғалаба қозонган тақдирда сўнгги учликни тарк этиши мумкин.

Иккинчи давранинг биринчи турида «Пахтакор» ўз майдонида «Бухоро» билан учрашиб 3:2 ҳисобида қийин ғалабани қўлга киритди. «Трактор» ҳам ўз майдонида «Сурхон»ни қабул қилиб 4:2 ҳисобида устун келди. «Турон» – «Темирйўлчи» учрашувида 3:1 ҳисоби қайд этилди. Рақиблар жадвалдаги ўринларини алмашиб олдилар. «Гулистон» ўз майдонида «Андижон» дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритиб, ўзининг еттинчи ғалабасини қўлга киритди. Жиззахда «Сўғдиёна» «Нефтчи»ни қабул қилиб, 2:0 ҳисобида устун келди ва ўзининг 12-ғалабасини қўлга киритди. Урганчда «Хоразм» – «Навбаҳор» жамоалари учрашуви 2:2 ҳисобида якунланди. Навбатдаги 22-тур учрашувлари 6-7 август кунлари ўтказилади.

**Талъат ЮСУПОВ.**

Вилоят Адлия бошқармаси жамоаси, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Отахоновна Хўжаевага падари бузруквори **Отаҳон ЖУМАНИЁЗОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят Тери-таносил касалликлари диспансери жамоалари Янгийўл шаҳар тери-таносил касалликлари диспансери бош шифокори **Абдулла Ҳакимович НОРМИРЗАЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Вилоят ҳокими ижроия маҳкамаси Матбуот бошқармаси жамоаси мазкур бошқарманинг бош муҳандиси Б.Е. Бектибоевга отаси, Юқоричирчиқ тумани босмахонасининг собиқ бош ҳисобчиси, уруш қатнашчиси **Есназар БЕКТИБОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-705. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи:* Тўлқин РАУПОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 1 2 3 4 5 6